

## МАХСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА БЕРИЛГАН СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

**Абсаматов Даврон Абсаматович** –  
*ISFT институти катта ўқитувчиси*

**Аннотация** - Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро бозорга олиб чиқиш, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Бунда солиқ имтиёзлари ва транспорт харажатлари компенсация қилиш тизимининг жорий этилиши маҳаллий тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу мақолада мазкур масаланинг аҳамияти, халқаро тажрибалар ва Ўзбекистондаги амалиёт ўрганилади.

**Калит сўзлар:** инвестиция, экспорт-импорт, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қуритиш, солиқ имтиёзлари.

### КИРИШ

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралари кўрилди. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий трансформация жараёнида “инвестиция” тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Турли иқтисодий фанлар ҳамда амалий

фаолият йўналишларида инвестицияларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари, тармоқ йўналиши, объекти ва бошқа жиҳатларига қараб турлича талқин берилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Жаҳонга машҳур иқтисодичи олимлар жумладан: **Жон Мейнард Кейнс**га кўра, инвестиция бу "капиталнинг янги турларини яратиш учун амалга ошириладиган харажатлардир"<sup>1</sup> (John Maynard Keynes, 1936) деб таърифлаган. Унинг фикрига кўра, инвестицияларнинг ҳажми талаб ва таклиф билан белгиланади деган бўлса, **Фишер Ирвинг** “инвестицияни вақт давомида ресурслардан энг самарали фойдаланиш воситаси”<sup>2</sup> (Irving Fisher, 1930) деб таърифлайди. У инвестиция жараёнини риск ва даромад ўртасидаги баланс билан боғлайди деб таъкидлайди. **Пол Самуэльсон**нинг фикрича, “инвестиция — бу ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун сарф қилинган ресурслар”<sup>3</sup> (Paul Samuelson, 1948)дир. Унинг таърифида капиталнинг динамик ўсишига эътибор қаратилган. **Росс Левеллин**: У инвестицияни “молиявий воситалар орқали келажак даромадни кафолатлаш жараёни” сифатида таърифлайди. Унинг фикрича, ҳар қандай инвестициянинг муваффақияти яхши таҳлил ва бошқарувга боғлиқлигини таъкидлаган.

Бошқа бир тоифа иқтисодчилар эса “инвестицияларни жорий даромад олиш ёки келажакда уларнинг қийматини ошиб боришини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига пул, моддий ва номоддий шаклда йўналтирилган узок муддатли капитал маблағлари деб атайдилар”. Д.Тожибоева “инвестициялар – келажакдаги натижа олиш учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматлар сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий

<sup>1</sup> Жон Мейнард Кейнс "The General Theory of Employment, Interest and Money" (Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси) 1936 йил

<sup>2</sup> Ирвинг Фишер "The Theory of Interest" (Фоиз назарияси). 1930 йил.

<sup>3</sup> Пол Самуэльсон "Economics: An Introductory Analysis" (Иқтисодиёт: Кириш таҳлили). 1948 йил

тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар<sup>4</sup>”, деб таърифлайди. Умуман олганда, иқтисодиётда инвестициялар капиталнинг жамғарилиш жараёнининг натижасида вужудга келади. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини кўриб чиқишда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, иқтисодий адабиётларда “инвестициялар” атамасини “капитал кўйилмалар”, “капитал” тушунчалари билан айнан маъноларда қўллаш ҳолатлари кўп учрайди. Бундай ҳолларда инвестициялар асосий капиталга маблағлар қўйиш маъносида талқин қилинади. Шу ўринда айтиш ўринлики, инвестициялар тушунчаси кенгроқ маънони англатиб, ўз таркибига номоддий активлар, интеллектуал мулк ва айланма активлар, жумладан, молиявий воситаларга йўналтирилган маблағларни ҳам қамраб олади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб инвестицияга қуйидагича ёндашувларни беришимиз мумкин:

- **Классик таъриф:** Инвестиция — бу капитални муайян мақсадлар учун йўналтириш, бунда келгусида даромад олиш ёки бошқа иқтисодий фойдага эришиш мақсад қилиб қўйилади.
- **Иқтисодий таъриф:** Инвестиция — молиявий, моддий ёки интеллектуал ресурсларни узок муддатли истиқболда қўллаш орқали иқтисодий ўсиш ва фойдага эришиш жараёни.
- **Молиявий таъриф:** Инвестиция — бу активларни сотиб олиш ёки капитални маълум соҳаларга киритиш, бунда асосий мақсад бу келгуси даромадни таъминлашдир.

Ўзбекистонга реал инвестицияларнинг жалб қилиниши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 2024 йилда янада ривожланмоқда. 2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 2 миллиард долларга яқинлашган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 3,5 миллиард долларга етказилиши режалаштирилган. Энг кўп экспорт қилинаётган маҳсулотлар орасида мева-сабзавотлар, узум, дуккакли экинлар ва полиз маҳсулотлари бор.

<sup>4</sup> Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: иккинчи китоб. – Тошкент.: Шарқ, 2003. – 79 б.

Шунингдек, экспортнинг географик қамрови кенгаймоқда ва ҳозирда Ўзбекистон маҳсулотлари 80 га яқин давлатга етказиб бериляпти.

**Ўзбекистон Республикасидан чет элга маҳсулот экспорт қилишда қуйидаги солиқ имтиёзлари мавжуд:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябрдаги, Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3377-сон Қарорининг 2-бандида “юридик шахслар томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари кейинчалик экспорт қилиш учун жисмоний шахслардан сотиб олинганда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан сотилган маҳсулотлар уларга ёки уларнинг оила аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилмасдан қўлланилади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 378- моддаси 8 бандига асосан жисмоний шахслар томонидан уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни (қорамолларни, паррандаларни, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар ва ҳоказоларни) тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда сотишдан (бундан саноатда қайта ишлаш мустасно) чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинадиган даромадлар, бундан манзарали боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотлари мустасно деб кўрсатиб ўтилган.

Экспортга оид солиқ имтиёзлари одатда қуйидаги йўналишларда берилади:

- **Қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС):** Экспорт қилинган маҳсулотлар учун ҚҚС ставкаси 0% қилиб белгиланади. Амалдаги Солиқ кодексининг 261-моддасига асосан экспорт операцияларини тасдиқлаш, 36-боб. Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот таркибида. 261-модда. Экспорт

операцияларини тасдиқлаш. Ушбу моддага асосан: экспорт шартномаси, товар божхон юк декларацияси ва товарга илова қилинадиган хужжатлар тақдим этилади.

ҚҚСни қайтариб олиш. Жамият томонидан сотиб олиган махсулотлар омборга кирим қилинганда:

**Дебит:** 2810 – "Омбордаги тайёр махсулотлар" (Махсулот нархига).

**Дебит:** 4410 – " Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (ҚҚС бўйича)".

**Кредит:** 6010 – "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар"(Жами суммага).

**Жамият томонидан махсулот экспорт қилинганда.** Юқорида кўрсатиб ўтилган экспортни тасдиқловчи хужжатлар тақдим қилинган ва экспорт қилинган сумма тушганда 4410 – " Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (ҚҚС бўйича)" ҳисобрақамидаги суммани Солиқ органларига ҚҚС ҳисоботи топширилганда қайтариб олинса куйидагича бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

**Дебит:** 5110- “Ҳисоб-китоб счёти”.

**Кредит:** 4410 – " Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (ҚҚС бўйича)"

**Фойда солиғи:** Амалдига Солиқ кодексининг 47- Солиқ ставкалари. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби бобининг 337-модда. Солиқ ставкаларининг 6 бандига асосан “Товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда” 0 ставка белгилиш кўрсатиб ўтилган. Ушбу модда биринчи қисмининг 6-бандида назарда тутилган 0 даражали физикдоридидаги солиқ ставкасини солиқ тўловчилар товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олиннадиган даромадлар қисмида қўллайди, бундан

фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширувчи норезидентларга кўрсатиладиган хизматлар мустасно. Товарлар экспорт қилинганда, 0 даражали фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси солиқ тўловчилар томонидан, товарларни чет эл валютасида экспорт қилиш юзасидан даромадлар товарлар (хизматлар) экспортга чиқарилган кундан эътиборан бир юз саксон календарь куни ичида келиб тушмаган тақдирда, қўлланилмайди деб кўрсатиб ўтилган.

Агарда бир юз саксон кун ичида экспорт қилинган товарнинг(экспорт қилинган товарнинг кунидаги МБ курси бўйича ҳисобланиб, махсулот экспорт қилиш қиймати ва таннархи ўртасидаги фарқдан 15 фоиз ставка миқдорида фойда солиғи ҳисобланади) пули келиб тушмаса жамиятда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

**Дебит:**

• 9810 – "Фойда солиғи бўйича харажатлар".

**Кредит:**

• 6410 – "Бюджетга тўловлар бўйича қарз (фойда солиғи бўйича)".

Муддати ўтган дебиторлик қарз бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида” қарорига мувофиқ жаримага тортилади. Жарима миқдори экспорт қилиш кунидаги МБ курсидан олинб 10 фоиз, 180 кундан 365 кунгача 20 фоиз ва 365 кундан ошган суммага 70 фоизга тенг миқдорда бюджет даромадига қўшимча жарима тўлаши белгиланган. Бу жамиятнинг харажатларида акс эттирилиб фойда солиғи ҳисоботида солиққа тортиладиган базага киритилмайдиган харажатлар сифатида туркумланади.

**1. Субсидиялар ва компенсациялар:**

• Экспорт билан боғлиқ транспорт харажатлари давлат томонидан тўлиқ ёки қисман қопланади.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, экспортчилар учун давлат томонидан қандай турлича ёрдамлар амалга оширилади, масалан Хитойда экспортга



Йўналтирилган маҳсулотлар учун ҚҚС қайтариш механизми мавжуд. Бу мамлакатнинг экспорт ҳажмини тез суръатларда оширишга ёрдам беради. Жанубий Кореяда эса экспортни қўллаб-қувватлаш учун корхоналарга солиқ кредитлари ва тадқиқотлар учун субсидиялар берилади. Сингапурда экспортга йўналтирилган компаниялар махсус солиқ зоналарида фаолият юритиб, турли солиқ имтиёзларидан фойдаланади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб республикада маҳсулотларини экспорт қилувчиларга қуйидаги имтиёзлар (субсидиялар ва компенсациялар) жорий қилинган:

Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясининг қарори, 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтган, №3257-сонли “Маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги” низомига асосан амалга оширилади.



**1-расм. Маҳсулот экспорт қилишда ишлатиладиган транспорт воситалари<sup>5</sup>.**

<sup>5</sup> Муаллиф ишланмаси

Экспортни қўллаб қувватлаш жамғармаси томонидан экспорт қилувчига компенсация тақдим этилиши учун, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган бўлишлиги, маҳсулотлар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилганлиги, маҳсулотлар белгиланган тартибда экспорт режимига жойлаштирилган ва экспорт шартномаси (воситачилик шартномаси, инвойс)да Инкотермс шартлари асосида маҳсулотларни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари экспорт қилувчи зиммасига юкланган ва ушбу харажатлар учун тўловлар экспорт қилувчи томонидан амалга оширилган бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси экспорт қилувчи жамиятга аризалари ижобий хулоса берилганда, яъни экспорт қилувчига компенсация тўлаб берилганда:

**Дебит:**

• 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти".

**Кредит:**

• 9390 – "Бошқа операцион даромадлар"

**бухгалтерия ёзуви қайд этилади ва тегишли тартибди фойда солиғига тортилади.**

## ХУЛОСА

Маҳсулотларни экспорт қилишда солиқ имтиёзлари иқтисодий ривожланишнинг муҳим воситаси бўлиб, ишлаб чиқарувчиларни янги бозорларни забт этишга ундайди. Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда солиқ имтиёзлари орқали тадбиркорлик муҳитини яхшилаш механизмлари ривожлантирилмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Тадбиркорлар ва экспортчилар ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш учун амалдаги қонунчиликни яхши билишлари ва давлат қўллаб-қувватлаш дастурларида фаол иштирок этишлари зарур.



Экспорт жараёнини самарали ташкил этиш учун бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд аэропортларида замонавий инфратузилма яратилмоқда. Шу билан бирга, лабораториялар ва маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари халқаро талабларга мувофиқлаштирилмоқда. Худудларда 20 та мобил лаборатория ташкил этилган бўлиб, маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда солиқ имтиёзлари ва транспорт харажатлари компенсация қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қўшимча имкониятлар яратади. Ўзбекистон учун мазкур чоралар нафақат экспорт ҳажмини ошириш, балки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Давлат томонидан ушбу тизимни такомиллаштириш, хусусий сектор билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Экспортга оид солиқ имтиёзларини бухгалтерия ҳисобида аниқ ва самарали акс эттириш корхоналарга рақобатбардошликни ошириш ва халқаро бозордаги позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шунингдек, давлат томонидан тақдим этиладиган имтиёзлардан фойдаланиш имкониятини оширади. Бунда автоматлаштирилган ҳисоб дастурлари ва юқори малакали бухгалтерлар муҳим роль ўйнайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, 30.12.2019 йил;
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4300- сонли Қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3377-сон Қарори;
6. Ш.Ш. Шодмонов, У. В. Гофуров “Иқтисодиёт назарияси” “Иқтисод-Молия” 2010. 728 бет;
7. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: иккинчи китоб. – Тошкент.: Шарқ, 2003. – 79 б;
8. Кулиева Х.М. “Экспорт-импорт операцияларида солиқ назоратини такомиллаштириш” Монография. – Т.: “Vneshinvestprom” нашриёти, 2022 й. – 128 бет.
9. Жон Мейнард Кейнс "The General Theory of Employment, Interest and Money" (Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси) 1936 йил; <https://www.files.ethz.ch/isn/125515/1366keynestheoryofemployment.pdf>
10. Ирвинг Фишер "The Theory of Interest" (Фоиз назарияси). 1930 йил; <https://oll.libertyfund.org/titles/fisher-the-theory-of-interest>
11. Пол Самуэльсон "Economics: An Introductory Analysis" (Иқтисодиёт: Кириш таҳлили). 1948 йил. [https://books.google.co.uz/books/about/Economics\\_an\\_Introductory\\_Analysis.html?id=ITXUAAAAMAAJ&redir\\_esc=y](https://books.google.co.uz/books/about/Economics_an_Introductory_Analysis.html?id=ITXUAAAAMAAJ&redir_esc=y)
12. Э. Ч. Цыденова, Л. К. Аюшиева. “Особенности учета экспортных операций при реализации товаров без посредников” вып 2а. 2015г.